

---

## САЙЁР СУД МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Марғилон шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди. Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг раиси М.Марахимов бошчилигида 2021 йил 8 июнь куни Марғилон шаҳридаги Надирмат маҳалла фуқаролар йиғинида уч босқичдан иборат очиқ мулоқот, ҳуқуқий тарғибот ва сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди.

Ташкил этилган очиқ сайёр суд мажлисида Марғилон шаҳар ИИБ, Марғилон шаҳар ДСИ ва Марғилон шаҳар ИИБ ЙХХБ томонидан тақдим қилинган маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар мазмунан кўриб чиқилди. Сайёр суд мажлиси якунланганидан сўнг, шаҳар суди раиси, маҳалла фуқаролари ва фаоллари ўртасида давра суҳбати ҳамда очиқ мулоқот ўтказилиб, унда шаҳар судининг раиси М.Марахимов сўз олди ва йиғилиш қатнашчиларига ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш масаласида қатор тушунчалар бериб ўтди ва аҳоли орасида жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича алоҳида тўхталди. Хусусан, шаҳар судининг раиси "Чақалоқ савдоси — миллатга хиёнатдир", "Одам савдоси - аср муаммоси ", "Оилада зўравонлик ҳолатларини бартараф қилиш ва унинг олдини олиш" мавзуларида ва бу турдаги жиноятлар хусусида, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2021 йил 31 майдаги ЎРҚ-691-сонли Қонуни ва "Сайлов тўғрисида"ги Қонунларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтиришлар бериб ўтди.

Бундан ташқари йиғилиш қатнашчилари томонидан уларнинг ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар берди. Бундай сайёр суд ва очиқ мулоқотларнинг маҳаллалар кесимида мунтазам ўтказилиб борилиши ошкоралик ва адолат тамойилларига мос келган ҳолда аҳолини ва ёшларни огоҳликка чорлаши билан аҳамиятлидир.

М.СОБИРОВ,

Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг архив мудири

2021-06-10 11:18:26